



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASI**

**THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON STATISTICS**

100170, Toshkent sh., Mustaqillik shoh ko‘chasi, 63-uy Tel.: +998 (71) 202-81-52; Fax: +998 (71) 202-80-22;  
www.stat.uz; e-mail: info@stat.uz; stat@exat.uz

2021 yil 29 iyul № 01/1-01-17-122

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигига**

*Нусхаси:*

**“Тараққиёт стратегияси”  
марказига**

**“Юксалиш” умуммиллий  
ҳаракатига**

Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармони ижроси юзасидан маълумотлар иловага мувофиқ юборилмоқда.

*Илова: электрон кўринишда.*

**X**

Б. Бегалов

Раис

*Ижрочи: Ф. Бердибаев*

*Тел.: (71) 202-81-77*

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Харакатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да  
амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан**

**МАЪЛУМОТ**

*(2021 йил 29 июль ҳолатига)*

Т/р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган хужжат лойиҳаси
<b>I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>							
<b>1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизimini такомиллаштириш.</b>							
13.	Давлат органлари очиқлик ва ошкоралик таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш	2021 йил 1 апрель	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	-	-	<b>Норматив-ҳуқуқий хужжат лойиҳалари.</b> Лойиҳаларда: Очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлиги концепциясини ишлаб чиқиш; ҳар йил яқунлари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Очиқлик индексини аниқлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз веб-сайтларига жойлаштириладиган ахборотни янгилаб бориш даврийлиги муддатини қайта кўриб чиқиш; оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва боқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек, мансабдор	<b>Бажарилган.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармонида илованинг 13-бандида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан қўшимча равишда 39 та вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг 240 та очиқ маълумотларини кенгайтириш бўйича таклифлари асосида шакллантирилган рўйхат бўйича тегишли очиқ маълумотлар тўпламларини даврийлиги ва жойлаштириш муддатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишингизни ва жорий йилнинг 23 февралига қадар Давлат статистика қўмитасига тақдим этишини сўраб 39 та вазирлик ва идораларга хат (2021 йил 15 февралдаги 01/1-24-12-18-сонли хат) йўллади.

					<p>шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўровини кўриб чиқишга доир муддатларни маъбуллаштири;</p> <p>“Очиқ ва ҳисобдор ҳукумат” ғоясини амалга оширишга қаратилган амалий чоралар кўриш назарда тутилади.</p>	<p>Мазкур банд ижроси бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.</p> <p>Давлат статистика кўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларга юборилган юқоридаги хатлар ижроси натижасида 2021 йилнинг 23 мартда Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати шакллантирилди ва белгиланган тартибда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига 01/1-19-09/1-24-сонли хат орқали тасдиқлаш учун киритилди.</p> <p>Шу билан бирга, Давлат статистика кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 23 мартдаги 01-07/2067-сонли хатига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлиги концепцияси лойиҳасига киритиш учун жорий йилнинг 26 март куни 01/1-19-09/1-26-сонли хат орқали ўз таклифларини юборди.</p> <p>Жорий йилнинг 2 апрель куни ўтказилган (2021 йил 19 апрелда 01-08/1-2190-сон билан тасдиқланган) “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилишининг 2-сон баёни 7-иловасига мувофиқ, Давлат органлари ва ташкилотлари</p>
--	--	--	--	--	--	---

							томонидан Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган очик маълумотлар тўпламлари рўйхати тасдиқланди.
--	--	--	--	--	--	--	---

**III. Иқтисодийтни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

**3.5. Банк тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш ва банк соҳасида рақобат муҳитини яратиш, аҳоли ва хўжалик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб қувватлаш, замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш**

65.	Нобанк ва бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини ишлаб чиқиш.	2021 йил 1 май	Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги	-	-	<p><b>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.</b></p> <p>Бунда:  “Нобанк ва бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни Халқаро валюта жамғармасининг меъёрлари асосида ишлаб чиқиш; суғурта, лизинг ва бошқа банк фаолияти билан шуғулланмайдиган молиявий ташкилотлар томонидан Марказий банкка тегишли статистик ҳисобот тақдим этилишини кўзда тутиш;</p> <p>Марказий банк томонидан шакллантириб келинаётган пул-кредит шарҳлари билан биргаликда “Молия тизими шарҳи”ни юритишнинг йўлга қўйилишини ҳамда республика банк-молия тизими статистикасининг ягона халқаро форматда тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш; молия тизимини очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, фойдаланувчилар, хусусан халқаро экспертлар, молиявий институтлар ва инвесторлар учун мамлакат молия тизимини кузатиш ва таҳлил қилиб бориш имконини яратиш.</p>	<p><b>Бажарилган.</b></p> <p>Мазкур йўналиш бевосита Марказий банк томонидан амалга оширилади.</p> <p>Шу ўринда, Ҳукумат ва бошқа назорат органларига мазкур банд ижроси бўйича ахборот (асословчи ҳужжатлари билан бирга) тўғридан-тўғри Марказий банк томонидан тақдим этиб борилади.</p> <p>Шунингдек, мазкур банднинг 1-2-қисмлари бўйича Марказий банк томонидан “Нобанк ва бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни шакллантириш ва “Суғурта, лизинг ва бошқа банк фаолияти билан шуғулланмайдиган молиявий ташкилотлар томонидан Марказий банкка тегишли статистик ҳисобот тақдим этилишини кўзда тутиш” бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда Марказий банк сўровига асосан иштирок этилади.</p> <p>Марказий банкнинг 2021 йил 7 апрелдаги 11-09/114-сон хатига асосан, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган “Нобанк ва бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ID-36762 (V-1) Вазирлар</p>
-----	---	----------------	--	---	---	---	--

							Маҳкамаси қарори лойиҳаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали келишилди.
<b>3.7. Ҳудуд, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, мустаҳкам ва барқарор замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш</b>							
79.	Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни <b>рейтинг баҳолаш борасида тизимли мониторинг ўрнатиш</b> ва назоратини амалга ошириш ҳамда такомиллаштириш.	Йил давомида	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Марказий банк, тижорат бақлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси	-	-	<b>Амалий чора-тадбирлар дастури.</b> Бунда: Ҳудудларнинг, шу жумладан туман (шаҳар)ларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолатини тегишли кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлил қилиб бориш; ҳар ой барча туман ва шаҳар ҳокимларининг амалий чора-тадбирлар дастури ва улардаги мақсадли кўрсаткичлар ижросининг Бош вазир раҳбарлигида кенгайтирилган видеоселектор ўтказган ҳолда муҳокама қилинишини ташкил этиш назарда тутилган.	<b>Бажарилган.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон қарорига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш индикаторлари тасдиқланган. Мазкур индикаторлар бўйича Қўмита томонидан тегишлилиги бўйича статистик кўрсаткичлар шакллантирилиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига расмий хатлар (08.06.2020й. 01/2-02-17/2-128-сон, 15.06.2020й. 01/2-02-17/2-140-сон, 03.08.2020й. 01/2-02-17/2-191-сон, 28.08.2020й. 01/3-02-17/2-284-сон, 22.10.2020й. 01/2-02-17/2-273-сон) билан бир неча бор маълумотлар тақдим этилган. Қарор ижроси бўйича тегишли ишлар ҳозирги даврда ҳам доимий равишда олиб борилмоқда. Хусусан, Қўмита томонидан тегишли статистик кўрсаткичлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган интернет тармоғидаги “RATING” ахборот тизимида

							<p>белгиланган муддатларда киритилиб борилмоқда.</p> <p>Жумладан, рейтинг баҳолаш тизимида кўзда тутилган Давлат статистика қўмитаси ваколати доирасида 2020 йилнинг январь-декабрь даври учун шакллантирилган статистик кўрсаткичлар “RATING” ахборот тизимида тўлиқ киритилди.</p>
--	--	--	--	--	--	--	--

**3.10. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш**

107.	<p>Тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилинган ва ўзлаштирилган тўғридан тўғри инвестициялар ва кредитларнинг давлат статистик ҳисоботларида акс эттирилиши бўйича хорижий тажрибани, жумладан UNCTAD тавсияларини ўрганган ҳолда ягона ҳисобот шакллари ва уларни жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	2021 йил 1 июль	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, вазирлик ва идоралар</p>	-	-	<p><b>Методологик қўлланма лойиҳаси.</b></p> <p>Бунда: Хужжат лойиҳасида тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилинган ҳамда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг давлат статистик ҳисоботларида акс эттирилиши бўйича хорижий тажрибани, жумладан UNCTAD тавсияларини ўрганган ҳолда, ягона ҳисобот шакллари ишлаб чиқилади ва уларни жорий қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш назарда тутилади.</p>	<p><b>Бажарилган.</b></p> <p>Тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилинган ва ўзлаштирилган тўғридан тўғри инвестициялар ва кредитларнинг давлат статистик ҳисоботларида акс эттирилиши бўйича хорижий тажрибани, жумладан UNCTAD тавсияларини ўрганган ҳолда ягона ҳисобот шакллари ва уларни жорий қилиш бўйича <b>таклифларини бажариш мақсадида</b> ишчи гуруҳ таркибида иштирок этиш учун Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Инвестиция ва қурилиш масалалари бўйича ривожланишнинг мақсадли дастурлари индикаторлари ва таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими бошлиғи <b>Саипов Жавлон Бахромович</b> номзоди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қўмитанинг 2021 йил 25 февралдаги 01/4-08-16/2-16-сон хати орқали маълум қилинди.</p> <p>биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонунига</p>
------	--	--------------------	--	---	---	--	---

						<p>асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат статистикаси ваколатли органидир ва у ягона статистика услубиятини ва давлат статистика кузатувларининг шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалиётга жорий этади. Бошқарма томонидан инвестиция фаолияти, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги статистик маълумотлар куйидаги услубиятлар асосида шакллантирилади:</p> <p>1. Тўлов баланси ва халқаро инвестиция ҳолати бўйича қўлланмалар. Олтинчи нашр (РПБ-6) // Халқаро валюта жамғармаси, 2012й. (<a href="https://www.imf.org/external/russian/pubs/ft/bop/2007/bopman6r.pdf">https://www.imf.org/external/russian/pubs/ft/bop/2007/bopman6r.pdf</a>);</p> <p>2. Миллий ҳисоблар тизими 2008 й. // Европа комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки, 2012й. (<a href="https://unstats.un.org/unsd/nationalaccount/docs/SNA2008Russian.pdf">https://unstats.un.org/unsd/nationalaccount/docs/SNA2008Russian.pdf</a>);</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2019 йилнинг 28 июнида 34-сон қарори билан тасдиқланган “Номолиявий активларга инвестициялар умумий ҳажмини шакллантириш бўйича услубий низом” (<a href="https://lib.stat.uz/ru/features-3/investitsii-i-stroitelstva/291-metodicheskie-polozheniya-po-">https://lib.stat.uz/ru/features-3/investitsii-i-stroitelstva/291-metodicheskie-polozheniya-po-</a></p>
--	--	--	--	--	--	--

[formirovaniyu-obshchego-ob-ema-investitsij-v-nefinansovye-aktivy](#));

иккинчидан, Юқорида келтирилган услубиятлар ҳамда Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан берилган тавсиялар асосида шакллантирилган статистик кўрсаткичлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси кўрсаткичлари Давлат статистика қўмитасининг Кенгайтирилган маълумотларни тарқатиш умумий тизими ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг Йиғма маълумотлар миллий саҳифасида жойлаштириб келинмоқда. Мазкур кўрсаткичлар халқаро ташкилотлар томонидан халқаро таққослашларда кенг фойдаланилади;

учинчидан, Шунингдек ҳам маълум қиламизки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун эталон таърифи"нинг тўртинчи нашри, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференциясининг (UNCTAD) "Жаҳон инвестициялари тўплами", шунингдек "Европа ҳамжамиятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни статистик ҳисобини юритиш тажрибаси" номли қўлланмалар ўрганиб чиқилди;

тўртинчидан, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференциясининг (UNCTAD) "Жаҳон инвестициялари тўплами"да тўғридан-тўғри хорижий



						<p>инвестицияларнинг глобал ва ҳудудлар миқёсидаги йўналишлари таҳлили келтирилган;</p> <p>бешинчидан, “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун эталон таърифи” ва “Европа ҳамжамиятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни статистик ҳисобини юритиш тажрибаси” номли қўлланмаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга оид тушунчалар ва уларни ҳисоблаш механизмлари келтирилган бўлиб, улар “Тўлов баланси ва халқаро инвестиция ҳолати бўйича йўриқнома” (РПБ-6) ва Миллий ҳисоблар тизимида келтирилган тушунча ва тамойилларга тўлиқ мос келади;</p> <p>олтинчидан, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунининг 51 - моддасига асосан ягона статистик услубиятни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш Давлат статистика қўмитасининг ваколатига киришидан келиб чиқиб, Давлат статистика қўмитаси томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳисоби “Тўлов баланси ва халқаро инвестиция ҳолати бўйича йўриқнома” (РПБ-6) ва “Миллий ҳисоблар тизими-2008”да келтирилган тушунча ва тамойиллар асосида олиб борилишини инобатга олган ҳолда, ушбу Услубий кўрсатмаларни тасдиқланишига зарурият йўқ деб ҳисоблаймиз.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика</p>
--	--	--	--	--	--	--

							<p>қўмитасининг 2021 йил 30 июндаги 24 сон Қарори билан Асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини шакллантириш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилиб тасдиқланганлигини маълум қиламиз. Ушбу услубий қўлланма асосий капиталга ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўрсаткичларининг статистик ҳисобини сифатли юритиш ҳамда мазкур инвестициялар тўғрисидаги статистик маълумотларни шакллантириш тартибини белгилаб беради.</p> <p>Қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Миллий ҳисоблар тизими-2008, Халқаро инвестиция ҳолати ва тўлов баланси бўйича йўриқнома таърифларидан фойдаланилди.</p>
108.	2021 йилда 23 млрд доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектларини ишга тушириш.	Йил давомида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, ташаббускор идоралар (вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон	-	-	<p><b>Амалий чора-тадбирлар.</b></p> <p>Бунда:</p> <p>2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказий, қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари;</p> <p>2021 йилда амалга оширилаётган, жумладан ишга тушириш белгиланган жами 226</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>2021 йил учун Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни:</p> <p>1. Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ 2021 йилнинг 21 апрелида белгиланган тартибда 2021 йил январь-март ҳолатига бюллетенлар шаклидаги статистик маълумотларни ташқи фойдаланувчиларга тақдим этилди.</p> <p>2. Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ 2021 йилнинг</p>

			Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари)			та йирик инвестиция лойиҳаларини Идоралараро ишчи гуруҳи билан биргаликда тасдиқланган Графикка асосан жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва ўрганиш яқунлари бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш назарда тутилади.	21 июлида белгиланган тартибда 2021 йил январь-июнь ҳолатига бюллетенлар шаклидаги статистик маълумотларни ташқи фойдаланув- чиларга тақдим этилди.
<b>3.16. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш</b>							
145.	<b>Аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш.</b>	2021 йил 1 март	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани мқўллаб- қувватлаш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, вазирлик ва идоралар.	-	-	<b>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</b> Лойиҳада: аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш; ушбу кўрсаткичлардан ижтимоий сиёсатни юритишда самарали инструмент сифатида фойдаланиш; ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтирилган ҳолда, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича махсус дастурни тасдиқлаш назарда тутилади.	<b>Бажарилган.</b> Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2021 йил 10 февралда 01/4-13-17/2-16-сонли хат юборилди. Шунингдек, Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари ҳисоблашда фойдаланиладиган 2019-2020 йиллар учун уй хўжалиги танланма кузатуви маълумотлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилди. 2021 йил 4 мартда (№ 02/13-03- 6/6) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ягона электрон тизим (project.gov.uz) орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарори (ID-рақами – ID-30318 (V-1)) лойиҳаси тегишли бандлари бўйича хулоса ва таклифлар 2021 йил 9 мартда ягона электрон тизим (project.gov.uz) орқали тақдим этилди.